1925-YILDAN
CHIQA BOSHLAGAN

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI

2018-YIL 16-YANVAR,
SESHANBA

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

6
(16164)

Biz — kelajak bunyodkorimiz!

YOSHLAR OVOZI

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР РЕЗЕРВИГА БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2018 йилнинг февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 2018 йилнинг февраль-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг котиби В.В.Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 13 январь

TASHABBUS VA IJRO

ЭНДИ ЙЎЛДАН АДАШИШ ЙЎҚ

Шоди ОТАМУРОД

Жиноят қилган шахс бегона эмас — у маҳалладошимиз, яқинимиз. Ҳарқалай, шу жамиятнинг бир аъзоси-да. Адашганларга ёрдам қўлини чўзиб, тўғри йўлга қайтариш, эл-юрт корига ярашини таъминлаш муҳим масала. Ахир, бағрикенглик, кечиримлилик халқимизга хос қадрият.

2017 йилнинг 6 декабрида Президентимиз "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан афв этиш тўғрисида"ги фармонни имзолаганди. Натижада, 2 минг 700 нафар ҳамюртимизнинг гуноҳидан кечилди, улар ўз оиласи бағрига қайтди.

Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманига борганимизда ана шундай қувончли воқеаларга гувоҳ бўлдик. Ўтган ойда ушбу тумандан тўққиз нафар судланган фуқаро озодликка чиқди. Улардан бири Олимжон Фозилов.

Бир йил муқаддам суд ҳукмига асосан унга 3,5 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланганди. Президент фармони қабул қилингач, жазонинг қолган муддати ҳар ойлик иш ҳақининг 30 фоизи давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилди. Ҳозирда Олимжон "Кўшкак тоғи" фермер хўжалигида меҳнат фаолиятини бошлаган.

Достонбек Эшонқулов, Ҳасан Умаров, Дилафрўз Эргашева, Олимжон Самандаров, Лочинбек Раҳмоновнинг ҳам тақдири ўхшаш. Яқин кунларгача жамиятдан айрилиб қолган бу инсонлар ҳозир мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси бўлишга астойдил интилмоқда.

— Хатоимни тушундим. Энди қинғир йўлга сира қадам босмайман, — дейди Ҳасан Умаров. — "Фориш бепоён даласи" фермер хўжалигига ишга кирдим. Мен сингари билиб-билмай жиноят содир этган шахсларнинг афв этилгани бизга берилган улкан имконият, чин инсонийлик ва ғамхўрлик ифодаси назаримда. Ҳалол меҳнатим билан шунга муносиб бўлишга ваъда бераман.

KUN MAVZUSI

ДАВЛАТ МАСЛАҲАТЧИСИ ЮРТ КЕЗМОҚДА

Азамат МАҲМУДОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси – Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуранбаев Андижон вилоятининг олис ҳудудларидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларининг яшаш шароити билан яқиндан танишиб, уларга амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Шу кунгача ёшлар етакчиси вилоятдаги кўплаб хонадонлар ҳамда таълим муассасаларига ташриф буюрди. Пахтаобод тиббиёт коллежи ўқувчилари билан бўлган самимий мулоқот чоғида Қ.Қуранбаев ёшларнинг фикру истаклари, муаммоларига қулоқ тутди. Коллеж эҳтиёжи учун замонавий ноутбук ҳамда 33 та бадиий китоб совға қилди. Бундай ғамхўрликка жавобан ўқувчилар яратиб берилган имкониятларга муносиб бўлишни ваъда қилди.

Тумандаги 6-умумтаълим мактабининг 8"А"-синфига кирган меҳмон ўғил-қизлар ҳуқуқ соҳасига жуда қизиқиши, мутолаага иштиёқи баланд эканини кўриб, уларга ҳам замонавий ноутбук, проектор, 30 та бадиий асар, турли кўргазмали қуроллар жамламасини тортиқ этди. 8"А" намунали ҳуқуқшунослик синфига айлантириладиган бўлди.

Бундан ташқари, Давлат маслаҳатчиси шахсий ташаббуси асосида пойтахтдан бириктирилган вакил сифатида мазкур синфга уч йил кураторлик қилиш вазифасини зиммасига олади. Эндиликда ўқувчилар унинг бевосита назоратида бўлади. Бир ой ичида совға қилинган китобларни ўқиб чиққанлари эса, пойтахтга саёҳат қилиши мумкин.

Кеча Қаҳрамон Қуранбаев Ёшлар иттифоқи Андижон вилояти кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этди. Унда "Камалак" болалар ташкилоти сардорлари ҳам қатнашди. Танқидий-таҳлилий руҳда бўлиб ўтган йиғилишда 2018 йилда амалга ошириладиган устувор вазифалар белгилаб олинди. Ёшлар етакчиси барчани фаоллик ва фидойиликка чорлаб, ташкилот ёшларнинг ичига кириши, уларнинг ҳақиқий таянчига айланиши ва жипслаштириши кераклигини уқтирди.

Сафар давом этмоқда.

TADORIK

ШУ ХАЛҚ УЧУН, ВАТАН УЧУН

Гулчеҳра АШУРОВА

10-17 апрель кунлари Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида илк маротаба "Ёш ватандошлар фестивали" ўтказилади.

Мазкур лойиҳа хорижда таълим олаётган ва меҳнат қилаётган, турли ютуқларга эришган ўзбекистонлик ёшларни бирлаштириш, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлардан хабардор қилиш, уларда ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш, орзу-истакларини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Фестиваль доирасида ёшлар форуми, тадбиркорлик, фан, таълим, ахборот технологиялари, санъат йўналишлари бўйича учрашувлар, маҳорат дарслари, халқ сайиллари, театрлаштирилган саҳна кўринишлари, юртимиз сайёҳлик салоҳиятини намоён этувчи китоблар тақдимоти, миллий либослар кўргазмаси, Uz.National Instruments: Ўзбекистоннинг миллий чолғу асбоблари намойиши ва концерт кечаси, "Рақслар жилоси" ҳамда миллий таомлар фестивали бўлиб ўтади.

Миллий ҳунармандчилик буюмлари аукциони ҳам ташкил этилиб, ундан тушган маблағлар хайрия мақсадларига йўналтирилади. Улоқ(кўпкари)га қизиқувчи азаматлар эса, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг махсус соврини учун беллашиши мумкин.

MUNOSABAT

ПРЕЗИДЕНТ САВОЛИМГА ЖАВОБ БЕРДИ

Манзура САЙФИДДИНОВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси

Ўқишни тамомлаб, халқаро журналист бўлмоқчиман. Орзуимга эришсам, халқаро майдондаги воқеаларни ёритиш баробарида, юртимизни жаҳонга танитиш масъулияти ҳам чекимга тушишини аниқ биламан. Шу чоққача "Ўз элини дунёга танитиш истагидаги инсон қандай шахс бўлиши керак?" — деган саволга жавоб излардим.

Президентимиз раислигида Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналари фаолиятига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишини телевизор орқали томоша қилгач, мен учун кўп нарса ойдинлашди. Юртбошимиз элчиларнинг маънавияти ҳақида сўз очар экан: "Ўзингиз айтинг, элчи деган одам ўзбек халқининг бой тарихини, маданиятини, миллий қадриятларини, ватандошларининг дарду ташвишларини яқиндан билмаса, уларни юрагидан ўтказмаса, қандай қилиб Ўзбекистонни дунёга танитиши мумкин. Дейлик, Алишер Навоийдан, Бобурдан, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовдан икки қатор шеър айта олмаса, энг ёмони, она тилимизни мукаммал билмаса, қандай қилиб ҳақиқий элчи бўлиши мумкин?" — деди. Худди шу гап анчадан буён фикру хаёлимни банд этиб келаётган саволга қисқа ва лўнда жавоб эди.

Дарҳақиқат, элчи қаерга бормасин, ўз халқининг юз-кўзи бўлиб боради. Юртни дунёга танитмоқчи бўлган инсон эса, аввало, ўзи Ватанини таниган бўлиши керак, назаримда.

Президентимиз юқоридаги фикрлари билан наинки дипломатлар, балки бутун халқни она тилимизни мукаммал билишга даъват этгандек эди, гўё. Бугун ёшларда хорижий тилларни ўрганишга иштиёқ кучли. Буни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Бироқ ҳаётда ўзгармас қонуният бор — инсон она тилини яхши билмаса, унинг сеҳрли жилосидан завқланмаса, бошқа тилни мукаммал ўргана олмайди. Эҳтимол, нутқи равон бўлар, лекин сўзнинг мазмун-моҳиятини ҳис этмай гапиради.

Элчилар билан мулоқотдан шахсан ўзим жуда руҳландим. Олдимизда улкан вазифалар турганини англадим. Энди фақат олға интилмоғимиз даркор!

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ЁШЛАР ИТТИФОҚИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИ

Н.НАСРИЕВ, *ЎзА мухбири*

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида ўтказилган йиғилишда ички ишлар тизимида Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйишга доир масала кўриб чиқилди.

2017 йил 1 декабрь куни Ички ишлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўртасида ўзаро ҳамкорлик Меморандуми имзоланган эди. Ҳужжатда ҳамкорликда амалга оширилиши зарур бўлган қатор вазифалар белгиланган.

Ички ишлар органларида Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотлари фаолиятининг йўлга қўйилиши тизимдаги ёш ходимларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, улар орасидан истеъдодли ва иқтидорли ёшларни юзага чиқариш, ёшлар ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишиши ҳамда уларнинг ижтимоий муаммоларини ечишга кўмаклашиш, ходимлар ўртасида хизмат интизоми ва қонунчиликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бошланғич ташкилот кенгаши аъзолари камида 5 нафарни ташкил этади. Улардан 1 нафари бошланғич ташкилот етакчиси ҳамда 4 нафари йўналишлар бўйича координатор сифатида сайланади. Ички ишлар органларида жойлардаги ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти билан ҳамкорликда таъсис йиғилиши ўтказилади ва етакчилар очиқ овоз бериш йўли билан сайланади. Ушбу лавозимга 35 ёшдан ошмаган, мазкур жамоада фаолият олиб бораётган, фаол ташаббускор ходим номзоди кўриб чиқилади.

Ташкилот етакчилари ички ишлар органи раҳбариятига тўғридан-тўғри мурожаат қилиши, йўналишлар бўйича ахборот бериши, жойларда амалга оширилган ишларни таҳлил қилиб, таклифлар киритиши мумкин. Кенгаш аъзолари ходимлар билан мулоқот олиб бориб, уларнинг шахсий ҳаёти ҳамда хизмат жойидаги муаммолари ижобий ҳал этилишида яқиндан кўмаклашади. Хизматга янги келган ходимларни "устоз-шогирд" анъанасига мувофиқ малакали мураббийларга бириктиради ва унинг ижросини мониторинг қилиб боради. Ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, уларни соғлом турмуш тарзи ҳамда оммавий спортга жалб этишни таъминлайди. Ёш ходимларни ишдан бўшатиш ёки уларга интизомий жазо чораларини қўллашда раҳбариятга тавсия беради.

Вазирлик ва Ёшлар иттифоқи томонидан 2018 йил Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар дастури имзоланган. Дастурда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш механизмлари, бажариш муддатлари ва масъуллари кўрсатиб ўтилган.

МАҚСАДИМ ҚАТЪИЙЛАШДИ

Жасурбек АБДУВОҲИДОВ
Самарқанд вилояти

Йигит учун ҳарбий хизматга боришдек шарафли вазифа йўқ. Ана шундай олий мақсадга эришган акам каби мен ҳам йигитлик бурчимни бажаришни — ҳарбий бўлишни ният қилганман.

Куни кеча давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида сўзлаган нутқини тинглаб, танлаган йўлим нақадар тўғри эканига амин бўлдим. Ўша тадбирда Шавкат Мирзиёев: "Бундан буён мен қайси ҳудудга хизмат сафарига борадиган бўлсам, биринчи куни жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар қандай бораётгани билан танишаман. Иккинчи куни эса, шу ҳududдаги ҳарбий-маъмурий секторлардаги аҳволни ҳар томонлама ўрганиб чиқаман", — деганди. Бу сўзларни тинглар эканман, юртимизда ҳарбий соҳага бўлган муносабат тубдан ўзгараётганини ҳис этдим. Зотан, халқ йўлбошчиси — Олий Бош Қўмондон ҳар гал ҳудудлардаги ҳарбий секторлар фаолияти билан шахсан танишса, жиддий ислоҳотларга йўл очиб берилади. Ахир, Президентимиз қаерга ташриф буюрмасин, ўша жойда туб ўзгаришлар рўй бераётганини барчамиз кўриб-билиб турибмиз-ку.

Юртбошимизнинг Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан йўллаган табригида ҳам ана шундай ғамхўрлик ва эътибор кўзга яққол ташланди. Айниқса, бу йилги байрамнинг ўзгача шукуҳ билан ўтганини айтмайсизми. Ҳарбий техника ва ускуналар намойиши, аскарлар маршию кўргазмали чиқишлари, югуриш марафонлари, нафақат биз, ёшлар, балки бутун халқимизнинг кайфиятига ижобий таъсир кўрсатди. Жасур, баҳодир акаларимиз борлигидан кўксимиз ғурурга тўлди. Менда эса, Ватан ҳимояси йўлида қалқон бўлиш истаги янада қатъийлашди.

ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЯНГИ ДАСТУРДА 2

РЕКОРД ЯНГИЛАНДИ 4

YOSHLAR PRESS-KLUBIDA

ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ДАСТУРДА

Нозима МИЯССАРОВА

Ёшлар пресс-клубининг навбатдаги сессияси "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширилиши кўзда тутилган лойиҳалар муҳокамасига бағишланди.

Р.НАЗАРМАТОВ

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Адлия ва Ички ишлар вазирликлари, Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, "Тараққиёт стратегияси" маркази мутахассислари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

Жорий йилнинг 15 январига қадар 2017 йилда Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида эришилган натижалар юзасидан жамоатчилик фикри ўрганилиб, "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастури лойиҳаси кенг муҳокамага қўйилганди.

"Тараққиёт стратегияси" маркази лойиҳа менежери Шерзод Сафаровнинг айтишича, шу кунгача интернетдаги тегишли сайтлар ҳамда махсус сўровнома ўтказиш йўли билан аҳолидан тўрт мингга яқин таклиф олинган. Бу, ўз навбатида, фуқаронинг сиёсий фаоллиги ошганидан далолат беради.

Сессия давомида ўқувчилар спикерларга турли саволлар билан юзланди. Хусусан, "Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун лицензиялар бериш ҳар бир вилоятнинг ўзида амалга ошириладими?" деган саволга Адлия вазирлиги бошқармаси бош маслаҳатчиси Озоджон Шодиқулов қуйидагича жавоб берди:

— Давлат дастури лойиҳасининг 132-банди тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялар ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада соддалаштиришга бағишланади. Унга кўра, жорий йилдан лицензияларни ҳар қайси ҳудуднинг ўзида бериш кўзда тутилган. Лойиҳа муҳокамадан ўтиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжат мақомини олгандан кейингина мазкур тартиб кучга киради.

Сессияда янги ташкил этилаётган "Менинг фикрим" портали хусусида ҳам маълумот берилди. Ушбу веб-ресурс парламент палаталари, маҳаллий халқ депутатлари кенгашларига фуқаролар билан бевосита алоқа ўрнатиш ва шу аснода ислоҳотлар юзасидан халқ фикрини ўрганиш, ташаббусларини инобатга олиш имконини беради.

Тадбир давомида Давлат дастурининг бошқа устувор йўналишлари ҳам муҳокама қилинди. Чет элда таҳсил олаётган йигит-қизларимиз ҳам студия билан уланиб, фикр-мулоҳазаларини онлайн тарзда баён этди.

JAMOATCHILIK MUHOKAMASI

ҲАР ТАКЛИФ АҲАМИЯТЛИ

Роҳатой ҚОДИРОВА, Мухлиса ХЎЖАЕВА

Тошкент шаҳридаги Инҳа университетида Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури лойиҳасининг муҳокамаси бўлиб ўтди.

Стратегия хонасида тўпланган профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар мазкур ҳужжатнинг мазмун-мундарижасидан келиб чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Эслатиш керак, йил номи билан аталган Давлат дастури лойиҳаси 237 банддан иборат. У 2017 йилнинг 7 февралида Президентимиз фармони билан тасдиқланган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар асосида ишлаб чиқилди. Шу боис ҳаётимизнинг турли жабҳаларини ўзида қамраб олган. Хусусан, дастурда давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ соҳасини янада ислоҳ қилиш, ижтимоий секторни ривожлантириш, иқтисодиётни либераллаштиришга доир чора-тадбирлар белгиланган.

Ҳужжатнинг кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилгани айни муддао. Сабаби мазкур механизм ҳар бир банд бўйича қуйидан жўяли таклифлар олиш, пировард натижада эса, Давлат дастурини аҳолининг турли қатламларининг фикру истакларидан келиб чиққан ҳолда бойитиш имконини беради. Муҳокамалар 15 январга қадар давом этди. Энди ишчи гуруҳи республика миқёсида тўпланган барча мулоҳазаларни беш кун мобайнида таҳлил қилади. Шундан сўнг ҳужжат муайян жиҳатдан тўлдирилади.

Тошкент шаҳридаги Инҳа университетида бўлиб ўтган тадбирда сўзга, асосан, ёшлар чиқди. Мазкур ўқув муассасасида таълим инновацион тарзда олиб борилишини инобатга олсак, бундай ҳолат ажабланарли эмас. Муҳокама жараёнида юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласи иштирокчиларнинг алоҳида эътиборида бўлди.

* * *

Давлат дастури лойиҳаси муҳокамасида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг мутахассис-экспертлари ҳам фаол қатнашди. "Тараққиёт стратегияси" марказида "учинчи сектор" вакиллари иштирокида ташкил этилган тадбирда кўплаб таклифлар ўртага ташланди.

Аҳолининг кенг қатламлари фикрини ўрганиш мақсадида Давлат дастури лойиҳаси матни 2018.strategy.uz ва www.regulation.gov.uz сайтларида жойлаштирилган эди. Муҳокамалар давомида фуқаролардан 4 мингга яқин таклиф келиб тушди.

Эслатиб ўтамиз, Давлат дастури лойиҳаси Президентимизнинг 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномаси мазмунмоҳияти ҳамда 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган асосий вазифалардан келиб чиққан ҳолда тайёрланган.

DUNYO BIZ HAQIMIZDA

ПРЕЗИДЕНТ МУРОЖААТНОМАСИ ҲИНДИСТОНДА НАШР ЭТИЛДИ

Матн маҳаллий аҳолига инглиз тилида рисола шаклида тақдим этилган. Айтиш керак, давлатимиз раҳбари 2017 йил 22 декабрь куни парламентга йўллаган Мурожаатномаси Ҳиндистоннинг етакчи даврий нашрларида ҳам қизғин муҳокама қилинмоқда.

"Political Events" ҳафталик таҳлилий журнали "Ўзбекистон Президенти бошқарув самарадорлиги ва қонун устуворлиги муҳимлигини таъкидлади" сарлавҳали мақолани эълон қилган.

"India Blooms" эса, Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш мавзусини қаламга олган. Нашр 2017 йилда ҳокимиятнинг ушбу бўғинида чинакам мустақилликни таъминлаш бўйича кенг қамровли ишлар бошлангани, хусусан, судьяларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Олий суд кенгаши, қолаверса, Ўзбекистон одил судлов академияси ташкил этилгани, шу билан бирга, 2018 – 2021 йилларда жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш концепцияси қабул қилингани ҳақида ёзади.

Justearthnews.com интернет порталида ҳам Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ёритилган. Портал мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш йўлида ғов бўлаётган тўсиқлар олиб ташланаётгани хусусида тўхталар экан, Шавкат Мирзиёев барча тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишни икки йилга тўхтатиш ташаббусини илгари сурганини маълум қилди.

"IRAN NEWS" ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ҲАҚИДА

Эрон мутахассиси Муҳаррир Фареддун Тахерпурнинг "Ўзбекистон — сармоядорлар учун катта имкониятлар замини" сарлавҳали мақоласи "Iran News" газетасида эълон қилинди. Унда юртимиздаги иқтисодий тараққиёт хусусида атрофлича сўз юритилган.

Муаллиф муштарийларни 2018 йил Ўзбекистонда "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб эълон қилингани ҳақида ҳабардор қилиб, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси тарихий аҳамиятга эга ҳужжат бўлганини қайд этади.

Мақолада таъкидланишича, тарихан қисқа давр мобайнида Ўзбекистон аграр республикадан иқтисодиёти изчил ривожланаётган индустриал мамлакатга айланди, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. "Республикада ўнлаб юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш тармоқлари барпо этилди. Автомобилсозлик, нефть-газ, электротехника, кимё ва фармацевтика сингари саноатнинг замонавий жабҳалари юзага келди, тўқимачилик, озиқ-овқат ва бошқа тармоқлар тўла модернизация қилиниб, юзлаб йирик саноат объектлари қурилди", — деб ёзади газета.

ЯНГИ ТАШАББУСЛАР ХИТОЙЛИК ТАДҚИҚОТЧИЛАР НИГОҲИДА

Шанхай халқаро тадқиқотлар университети веб-порталида ўтган йилнинг ноябрида Самарқандда БМТ шафелигида Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича ўтказилган халқаро конференция якунларига доир материал жойлаштирилди.

Мақолада Ўзбекистон раҳбарияти минтақавий сиёсатга янгича ёндашаётгани, транспорт, савдо, чегара ва сув ресурсларидан фойдаланиш сингари муҳим масалалар бўйича оқилона йўл тутаётгани таъкидланган. Ўтган йилда чегаралар ҳақидаги келишувларга эришилгани, транспорт соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, чегараолди ҳудудлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш борасида ижобий натижалар қайд этилгани ҳам тилга олинган.

Шунингдек, сайт ўз ўқувчилари эътиборига Ўзбекистоннинг янги ташаббусларини ҳавола қилган. Марказий Осиё иқтисодий форумини ташкил этиш, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш мақсадида умумий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, Афғонистоннинг қўшни давлатлар иқтисодий муносабатларига қўшилишига кўмаклашиш, транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантириш, шулар жумласидан.

"THE TIMES" САЁҲАТГА ЧОРЛАДИ

Британиянинг нуфузли нашри 2018 йилда энг оммабоп бўлиши кутилаётган сайёҳлик йўналишлари рейтингини тузди. Она диёримиз кучли ўнталиқдан ўрин олган.

Рўйхатда Австралия, Сейшель ороллари, АҚШ, Туркия, Япония ҳам бор.

"The Times" Ўзбекистонга саёҳатни дилга ҳузур бағишловчи саргузаштга қиёслаган. Мазкур йўналишни танлайдиган сайёҳлар кўплиги боис, чипталар жуда тез тугаб кетаётгани таъкидланади. Британияликлар учун тузилган туристик дастур дунёга машҳур тарихий шаҳарлар — Самарқанд, Бухоро ва Хива билан танишувни ўз ичига олади.

Мамлакатимизнинг энг оммабоп сайёҳлик йўналишлари ўнталигига кириши туризм саноатини ривожлантириш ҳамда соҳадаги бизнес субъектларига қатор қулайликлар яратиш борасида қилинаётган ишларнинг амалий ифодаси ҳисобланади.

"Жаҳон" АА материаллари асосида тайёрланди.

AKS-SADO

ЖИМ ТУРИШ ЯРАШМАЙДИ

Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ, Юнусобод тумани бош имом-хатиби

Юртимизда эътиқод эркинлигини таъминлаш, ислом динининг асосий ғоя ва мақсадларини аҳоли орасида кенг тарғиб этиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Имом Бухорий маркази, Тошкент Ислом цивилизацияси маркази, Ислом академиясини ташкил этишдек муҳим саъй-ҳаракатлар бугунгидек мураккаб даврда динимизнинг софлигини сақлаш, унинг тинчлик ва инсонпарварликдан иборат асл моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшларга етказишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 5 январь куни халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида республикамиз бўйича уч босқичда ўтказилиши режалаштирилаётган Қуръони карим мусобақаси ҳақида тўхталиб: "Қуръонни эшитиш, эшита олиш юксак маънавият, маърифат. Қуръон ҳеч қачон ёмонликка даъват қилмайди. Агар Қуръони каримни эшита олсак, эшиттира олсак, бу муваффақият бўлади. Элимизга нур келади", — дея таъкидланган эди.

Ислом ҳеч қачон, ҳеч кимни ёмонликка бошламаган. Дунёда тобора авж олаётган терроризм, экстремизмнинг эса асл мақсади бир — бу иллатлар тарғиботчилари муқаддас динимизни бузиб кўрсатиш, унинг обрўсига путур етказишни хоҳлайди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятидаги масжидлар ҳақида ҳам мулоҳаза юритиб, таъмирга муҳтож ва авария ҳолатидаги барча масжидларни ўрганиш, уларни қайта қуриш ва таъмирлаш чораларини кўриш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Бу сўзларни тинглар эканман, беихтиёр кўзим ёшланди. Бугун Президентимиз минбардан туриб барчани ислом динини англашга чорлаётган бир пайтда нега биз жим туришимиз керак? Ахир, асрий орзуларни ушалтириб, муқаддас динимизни тарғиб қилиш имконига эгамиз-ку!

Қаранг, пойтахтимиздаги "Ҳазрати Имом" мажмуаси масжидида мўмин-мусулмонларни намозга чорловчи азон овоз кучайтиргичлар орқали айтила бошланди. Очиғи, сўнгги ўн йил давомида юртимиз масжидларида бундай ҳодиса кузатилган эмас. Азон фақат масжид ҳудудида эшитиладиган қилиб айтиларди. Ҳамма намоз вақтини ўзи билиб келарди. Бироқ аслида азон ҳаммага эшитиларли бўлиши керак. Шукрки, бундан буён нафақат "Ҳазрати Имом"да, балки юртимиздаги барча масжидларда азон баралла янграйди.

Аллоҳ таолога беадад ҳамдлар бўлсин. Ана шундай хайрли ишлар бошида турган Президентимизнинг барча эзгу ниятлари, хайрли амалларига Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

VATAN HIMOYASI — MUQADDAS BURCH

ЎЗБЕКИСТОНГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН!

— Бола ҳарбий либосни кийса, ўзини Ватан ҳимоячисидек тута бошлайди,— дейди Қува туманидаги 5-умумтаълим мактаби директори Дилфуза Қирғизова. — Кўзи чақнаб, қалбида нимадир "жиз" этдими, демак, келгусида у юрт корига ярайдиган инсон бўлишга, миллий тараққиётимиз йўлида сидқидилдан хизмат қилишга тайёр.

Куни кеча ўқув даргоҳида ташкил этилган байрам тадбирида Ватанга садоқат кўрсатиш, уни севиш ва ардоқлашнинг масъулияти хусусида сўз юритилди. Ўқувчилар аскар акалари ҳаётидан саҳна кўринишларини тақдим этди. Ватанпарварлик руҳидаги куй-қўшиқлар янгради.

Суратда: *2-синф ўқувчилари — саҳнада.*

Нодиржон ЮСУПОВ фотолавҳаси.

TASHABBUS

Озода РЎЗИМОВА

ҲАМ ЧИНИҚДИ, ҲАМ ДЎСТЛАШДИ

Ёшлар иттифоқининг Элликқалъа тумани кенгаши "Мард ўғлонлар" шиори остида армрестлинг, таэквондо ҳамда волейбол мусобақаларини ўтказди. Лойиҳага 300 нафардан зиёд фаол ва уюшмаган ёш жалб этилди.

Беллашувлар давомида иштирокчилар нафақат жисмоний тайёргарлиги ва маҳорати, балки руҳий жиҳатдан қанчалик бақувват эканини ҳам намоён этди.

— Уюшмаган ёшлар ўртасидаги армрестлинг мусобақасида 1-ўринни қўлга киритдим, — дейди Иномжон Эркаев. — Давлатимиз томонидан бизларга жуда кенг имкониятлар яратилмоқда. Бундан қувониш керак. Ватанни севиш, унинг тараққиёти йўлида садоқат билан хизмат қилишга бурчлимиз.

Спорт мусобақаларида чиниққан элликқалъалик йигит-қизлар ўзига хос дўстлик байрами учун ташкилотчиларга миннатдорлик билдирди.

Якунда ғолиблар медаль, диплом ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди.

PREZIDENT STIPENDIATLARI

МАҚСАД САРИ ТАШЛАНГАН ҚАДАМ

Тўмарис АЪЗАМ

Тун қўйнини ёритганча қуёш бўй кўрсатди. Дилшодабону елкасини тутган нозик қўллар тафтини ҳис қилдию, жилмайиб ортига ўгирилди.

— Яна ухламадингми? — деди онаси.

— Ишимни якунламасдан ухлолмасдим, ахир.

— Яхши дам олмасанг кундузи қандай юрасан?

— Дадам иккингиз кечаси билан қоғоз қоралаб, кундузи ишга кетаверардингизку.

Адиба опа ёшлигини эслади. У кўпинча тунни тонгга улаб мук тушганча қалам тебратарди. Шундай кунларда қизи уйғониб, уни ёнидан кетиб қолганидан хафа бўлиб аразларди.

Орадан йиллар ўтиб бу қизалоқ ҳам отаонасининг изидан борди. Бугун Адиба опа кунора ўзининг иш столида Дилшодабонунинг ўтирганини кўради. Уйқусиз тунлар, тинмай изланишлар айни пайтда ўз натижасини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети 4-босқич талабаси Дилшодабону Аввалбоева жорий ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиясига сазовор бўлди.

Ота-онаси сингари жамиятга фойдаси тегадиган журналист бўлиб етишиш ҳаракатида изланаётган қаҳрамонимиз бир неча йиллардан буён кўплаб даврий матбуот нашрлари, ўнлаб ҳуқуқий, таҳлилий, ахборот сайтларида ёшлар ҳаёти ва муаммоларига оид юздан ортиқ мақолалари билан иштирок этиб келмоқда. Унинг ижодий ишлари ихтисослашган халқаро ва республика илмий журналлари, конференциялар тўпламларида чоп этилган. Хусусан, ўтган йили Дилшодабону Австриянинг

Вена шаҳрида, Россия Федерациясининг Москва ва Чита шаҳарларида ўтказилган илмий анжуманларда муваффақиятли иштирок этди.

Иқтидорли талабанинг шу кунгача "Рекламанинг телевидение тараққиётига таъсири", "Пресс-релиз қандай ёзилади?", "Биз билган ва билмаган дунё", "Имо-ишора тили" каби услубий қўлланма ва рисолалари чоп этилди. Машҳур адиб Дейл Карнегининг асарларини инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилди.

— Ҳозир "Ўзбекистонда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни" мавзуида илмий изланишлар олиб боряпман, — дейди Дилшодабону. — Юртимизда яшаётган ҳар уч кишининг икки нафари ёш. Шундай экан, мазкур қатламнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш устувор вазифа саналади. Уни самарали амалга ошириш учун эса, ёшларга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти, қолаверса, қабул қилинаётган тегишли қарор ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида доимий маълумот етказиш механизмларини янада такомиллаштириш лозим.

Ёш олима, журналист илмий изланишлар олиб бориш билан бирга, республика миқёсида ташкил этилаётган танловларда ҳам мунтазам қатнашиб келмоқда. Хусусан, 2017 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан ўтказилган "Судҳуқуқ ислоҳотлари журналист нигоҳида" кўрик-танловида "Энг яхши интернет материали" номинацияси, шунингдек, "Амалиёт эътирофи — 2017" танловида илмий мақолалар йўналиши бўйича ғолиб бўлди.

Қаҳрамонимиз 2016 йилда АҚШдаги "Sahar" онлайн мактабининг "Ижтимоий фаоллик ва онлайн медиа" курсини муваффақиятли тамомлаб, махсус диплом билан ҳам тақдирланган.

Мухтасар айтганда, Дилшодабону Аввалбоева болалигидаги орзуларини рўёбга чиқариш пайида тинмай ҳаракатда. Ёшларимиз мақсади сари ана шундай дадил қадам ташласа, келажагимиз, албатта, буюк бўлади!

O'RNAK OL!

Дилкушо НАВРЎЗОВА

Орамизда илғор ва шижоатли, тиниб-тинчимайдиган ёшлар оз эмас. Бири маҳалладош болалар учун фойдали тўгарак очса, бошқаси жисмоний имконияти чекланган, кўмакка муҳтож тенгдошларини излаб топиб, эринмай уйига боради, ўзи билган касб-ҳунарларни ўргатади. Каттами, кичикми, лекин меҳр, самимият билан бажарилган иш барибир серунум, баракали бўлади. Бошқаларга юқади ҳам.

ШАҲЛОНИНГ ШАШТИ БАЛАНД

Бугун Ўзбекистон ёшлар иттифоқи аъзолигига қабул қилинган миллионлаб йигит-қизлар ҳаётий принципини юқоридаги мантиқ асосида қуришга ҳаракат қилмоқда. Аксарияти пул, шон-шуҳратга интилмайди. Атрофдагиларнинг олқишу эътирофига сазовор бўлиш ҳам уларга қизиқ эмас. Муҳими — кимгадир нафи тегаётгани. Шу инсонлар кўзидаги қувончни кўриб, чин юрақдан миннатдор эканини ҳис қилиб, ўзлари ҳам шодланади.

Хизмат сафари билан Навоий шаҳридаги 15-умумтаълим мактабида бўлдик. Эшикдаги навбатчи билан салом-алик қилиб улгурмасимиздан ёшлар етакчиси бизга пешвоз чиқди. Истарали қиз экан, танишдик, дилдан суҳбатлашдик.

Шаҳло Йўлдошевани мактабда ҳамма ҳурмат қилади. Бўлмаса-чи, ахир, у айрим Иттифоқдошлари сингари "аравани қуруқ олиб қочмайди". Гапни дангал айтади, ишни ҳам дўндиради.

Етакчи сифатида сайланганидан кейин Шаҳло биринчи навбатда, отаонаси, қўйингки, маҳалла-кўй ва мактабдошлари эътиборидан четда қолган, ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турувчи ўсмирлар томон талпинди. Улар билан яккамаякка мулоқот қилиб, феъл-атвори, туриш-турмуши, ўтмишини обдон ўрганди. Кейин эса, жамият "ноқобил", "ёмон"га чиқариб қўйган, аслида эса, тузуккина қобилияти бор ўша болаларга ёрдам қўлини чўзди.

Мана аниқ мисол: таниган-билганлар юқори синфда ўқийдиган Шукрулло Насриддиновни (суратда) яқин-яқингача безори деб атарди. Бебошлиги сабаб бу ўспирин профилактик ҳисобга ҳам олинган эди-да. Ҳозир эса, мутлақо бошқача инсон.

Шаҳло Йўлдошева Шукрулло билан суҳбатда йигитнинг бичиш-тикишга лаёқати борлигини пайқади. Уни дарҳол касб тўгарагига жалб қилди. Ҳатто уйидан тикув машинасини олиб келиб, хонасига ўрнатиб берди. Энди Шукрулло кечгача мактабда. Дарсдан кейин тўгаракка келади. Устозидан тикувчилик сир-асрорларини иштиёқ билан ўрганмоқда. Мақтаса арзгулик биринчи амалий иши ҳам тайёр — мактаб хоналарига илинган дераза ва дарпардалар Шукруллонинг меҳнат маҳсулидир.

Бир наврастани тўғри йўлга солиб, ҳаётнинг фойдали манзараларини кўрсата олган Шаҳло Йўлдошевага тасанно деймиз! Эл хизматида чарчаманг, тенгдошим. Илло, Ўзбекистонимизга сиздай жонкуяр, ишшти баланд ёшлар керак.

DOLZARB MAVZU

ЖАМИЯТ "ТАНА"СИДАГИ ДАРД

Санжар ҚУРБОНМУРОТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқарма ходими, журналист

Коррупция деганда кўпчилик фақат пора олиш ва пора бериш билан боғлиқ жиноятларни тушунади. Аслида у жамиятдаги бир қатор ижтимоий-ахлоқий мезонларнинг бузилишига сабаб бўладиган жиноятларни ифодаловчи тушунчадир.

Айтайлик, мулкни талон-тарож йўли билан ўзлаштириш, бюджет интизомини бузиш, ҳокимият ҳамда мансабни суиистеъмол қилиш ёки шу ваколат доирасидан четга чиқиш, товламачилик қилиб ҳақ ундириш, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний муносабат, тергов ёки суд жараёнига аралашиш, ёлғон гувоҳлик бериш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳам коррупциянинг турлари ҳисобланади.

Демак, коррупция сиёсий ёки иқтисодий жабҳадагина намоён бўлмайди. Ушбу иллат ҳудуд ёки чегара танламаслиги боис, умумжаҳон муаммосига айланган.

Президентимиз 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида коррупция билан боғлиқ жиноятларга алоҳида тўхталиб: "Шу йилнинг 9 ойида коррупция билан боғлиқ жиноятлар ўтган йилга нисбатан 33 фоизга камайди. Биз бундай натижаларни коррупцияга қарши кураш борасидаги узоқ ва давомли фаолиятимизнинг дастлабки самараси, деб қабул қилишимиз, бу йўлда янада қатъий иш олиб боришимиз шарт", — дея таъкидлаганди.

Мамлакатимиз ички ишлар органлари коррупцияга қарши муттасил кураш олиб бормоқда. Бу йўлда, айниқса, профилактик тадбирлар ўз самарасини бераётир. Хусусан, ўтган йили шу турдаги 1 минг 426 та жиноят фош этилиб, 407 та гуруҳнинг жиноий фаолиятига чек қўйилди. Коррупция билан боғлиқ жиноятлар пойтахтда 84,8 фоиз, Хоразм вилоятида 60,9 фоиз, Сирдарё вилоятида 60 фоиз, Наманганда 53,8 фоиз, Қорақалпоғистон Республикасида 50 фоизга камайгани ҳам эътиборли жиҳат.

Мамлакатнинг эртаси ёш авлоднинг қандай камол топишига бевосита боғлиқ. Бу эса, таълим соҳаси ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Таассуфки, ўқитувчи-мураббийларнинг ҳаммаси ҳам шундай шарафли номга муносиб эмас.



Самарқанд давлат университетининг рус филологияси факультети декани Д.Алимова ўтган йилнинг июль ойида тўрт нафар абитуриентни ўзи раҳбарлик қилаётган факультетга ўқишга киритиш учун 23 минг АҚШ доллари миқдорида пора олаётганида ушланган. Бундай хунук ҳолат мамлакат тараққиётига болта уриш билан баробардир.

Юртимизда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кўпгина самарали ишлар қилиняпти. Аммо гуруч курмаксиз бўлмайди. "Микрокредитбанк" АТБ Андижон вилояти филиалида масъулиятли лавозимларда ишлаб келган Э. Холмирзаев ва О.Исоқов ана шундай "курмаклар" сирасидан. Улар тадбиркор У.Ўрмоновнинг ҳисоб рақамидаги 42 миллион сўм маблағни ўзбошимчалик билан бошқа ҳисоб рақамларига ўтказиб, ўзлаштириб олган.

Ўтган йилнинг сентябрига қадар хорижий валюталарнинг давлат расмий курси билан "қора бозор"даги курси ўртасидаги тафовут сақланиб колингани туфайли банклар фаолиятида коррупцион жиноятлар ниҳоятда урчиб кетганди. Масалан, АТБ "Ўзсаноатқурилишбанк" марказий амалиёт минтақавий филиали конверсион операциялар бўлими бошлиғи лавозимида хизмат қилган А.Абдуллаев ҳамда мазкур бўлим оператори Н. Мирзаева ўзаро жиноий тил бириктириб, хорижий валюта билан боғлиқ молиявий жиноятларга қўл урган. Улар жиноий шериклари орқали 40 нафарга яқин фуқарони мўмай ҳақ эвазига ёллаб, уларнинг номига "Viza" халқаро электрон тўлов карталарини расмийлаштирган ҳамда шу карталарга хорижий валюта маблағларини давлат курсида юклаб, нақдлаштириб, "қора бозор" курсида сотган. Олиб борилган тезкор тергов ҳаракатлари натижасида уюшган жиноий гуруҳ фаолиятига чек қўйилди. Шу билан бирга, 2017 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони қабул қилингач, ушбу турдаги жиноятлар кескин камайди.

Юқоридаги каби талон-тарожликлар бошқа соҳаларда ҳам учрамоқда. Тошкент вилоятида ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида "Чиноз замин нон" масъулияти чекланган жамияти технологи Ж.Усмонов ўз ҳамтовоғи И.Исабаев билан бирга содир этган жинояти фош этилди. Улар умумий қиймати 13 миллион 140 минг сўмлик 15 тонна унни "Тошкентдонмаҳсулотлари" акциядорлик жамиятидан ишончнома асосида олиб чиқиб, юкни белгиланган тартибда жамият омборига етказиши керак эди. Аммо нафси ҳакалак отган олғирлар фитна ўйлади. Олдиндан тузилган режага мувофиқ, юкни ўзлари топган харидор — А.Ҳотамовга пуллаб, 19,5 миллион сўмни чўнтакка урди. "Қинғир ишнинг қийиғи" тез орада ошкор бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, коррупция давлатга иқтисодий зиён етказибгина қолмай, одамларда ишончсизлик уйғонишига, жамиятнинг маънавий таназзулга юз тутишига ҳам сабаб бўлади. Иллатга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олиб бораётган амалий саъй-ҳаракатларнинг ўзи етарли эмас. Фуқароларда унга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ҳам муҳим. Қачонки бутун жамият коррупцияни таг-томири билан йўқотишга бел боғласа, кутилган натижага эришамиз.

SENING TENGDOSHING

ИҚБОЛА ТАДБИРКОР БЎЛДИ

Малик СИНДОРОВ *фотолавҳаси.*

Ёшлар иттифоқи кўмаги билан наманганлик бу тенгдошимиз банкдан 10 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олиб, шахсий бизнесини йўлга қўйган.

Иқбола Умарова кулолчилик билан шуғулланади. У кўплаб хайрли лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Масалан, яқинда вилоят миқёсида ўтказилган Ёш ҳунармандлар ойлиги давомида бир қанча ижодий танловлар, маҳорат дарслари ва кўргазмалар ташкил этди. Шу аснода 51 нафар йигит-қизни миллий санъатимизга қизиқтира олди.

Иқболахон анчадан буён ижодий устахонаси бўлишини хоҳларди. Янги йилда орзуси ушалди. Ёшлар ташкилотининг Тўрақўрғон тумани кенгаши унга жой ажратди.

Суратда: *ёш ҳунарманд ўз устахонасида ижод қилмоқда.*

MUTAXASSIS OGOH ETADI

ЎТ БАЛОСИДАН ҚЎРҚ!

М.ЛОБАЙНО,
"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи ЁХБ бўлинма катта инспектори, майор

Кексалар дуо қилганда: "Ўт балосидан асарасин", дея тилак билдиради. Лекин бу офатдан холи бўлиш, аввало, ўзимига боғлиқ. Носоз электр ва газ мосламаларидан фойдаланиш, болаларнинг назоратсиз қолиб, гугурт ўйнаши, турган гапки, ёнғин хавфини келтириб чиқаради.

Тез ёнувчи буюмлар — лак буёқлари, мебель жиҳозлари, синтетик матодан тайёрланган кийим-бошларни очиқ олов ёки печка ёнига қўймаслик керак. Айниқса, кимёвий моддалар, каучук ва пластмассадан ясалган турли буюмлар тез алангаланиб, ўзидан ёқимсиз ҳид ҳамда зарарли моддалар чиқаришини унутманг.

Хулоса шуки, ҳар бир фуқаро хоҳ ишхонаси, хоҳ уйида бўлсин, ҳар лаҳза ҳушёр бўлиши керак. Хонадон тинч, кўнгил хотиржам бўлсин десангиз, албатта, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилинг.

ЭҲТИЁТКОРЛИК МУҲИМ

Фахриддин ҚЎЛДОШЕВ,
Учтепа тумани ЁХБ кичик инспектори, кичик сержант

Тунов куни онам билан гаплашгандим. Қишлоғимизда ёш келин-куёв вафот этибди. Айтишларича, уйда газ ўчиб, қайта ёнган. Лекин бундан ҳеч ким бохабар бўлмагани оқибатида фалокат юз берган!.. Худо сақласин.

Ҳа, бугун аҳоли гавжум жойлар ва кўп қаватли уйларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, назоратни кучайтириш, муҳими, маҳаллаларда тарғибот тадбирлари ўтказиб, аҳолини эътиборли ва ҳушёр бўлишга чақириш долзарб масаладир. Шу мақсадда мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилаётган ишлар сифати янада кучайтирилмоқда.

Ота-оналар уйда болаларни ёлғиз қолдирмаслигини, қозонга овқат солиб, турли юмушларга чалғимаслиги, газ плитаси олдида тез ўт олувчи нарсаларни сақламаслигини истардик. Бундан барча бирдек мамнун бўлади. Доимо хавфсизлик қоидаларига амал қилишга қунт қилайлик.

MUSOBAQA

"БУРГУТЛАР" ҒОЛИБ

Насиба АБДУЛЛАЕВА

Республикамизнинг барча гўшаларида бўлганидек, Тошкент вилоятида ҳам ҳарбийларимиз байрами кенг миқёсда нишонланди. Барча ўқув даргоҳлари, меҳнат жамоаларида маърифий-маданий тадбирлар ташкил этилиб, Ватанни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Зангиота озиқ-овқат коллежида ҳам Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ҳамда Ёшлар иттифоқи туман кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган байрам тадбири ўқувчилар, ота-оналарда катта таассурот қолдирди.

Тадбир республикамиз мадҳияси билан бошланди, ҳарбий қасамёд қабул қилинди. Шундан сўнг коллеж ўқувчиларидан ташкил топган "Бургутлар", "Лочинлар", "Ватанпарварлар" жамоалари ҳарбий сафда юриш, мерганлик, газ ниқобларидан фойдаланиш, арқон тортиш, тош кўтариш шартлари бўйича ўзаро куч синашди. Бу мусобақалар ёшлар ватанимизнинг муносиб ҳимоячилари бўлишга астойдил интилаётганини кўрсатди.

Умумий ҳисобда "Бургутлар" жамоаси юқори балл тўплаб, ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди.

KITOB JAVONINGIZGA

Эъзозахон ИСМАТОВА,
талаба

Афғон адиби Холид Ҳусайнийнинг асарлари равон ўқилади. Китобхон қаҳрамон ҳаёти билан яшайди. Баъзан муаллифнинг қаҳрамонлар тақдирига совуққонлик билан ёндашиши ўқувчида ғазаб уйғотса-да, китобни ёпиб қўя олмайди.

ҚИСМАТГА ЧИЗГИЛАР

"Минг қуёш шуъласи" — афғон заминидаги қирғинбаротлар, ҳукмдорлар алмашиши ва шу даврдаги тақдирлар ҳақида ҳикоя қилувчи асар.

Фарзанд ҳеч қачон қайси оила ва маконда туғилиши, тақдири қандай бўлишини билмайди.

Янги туғилган чақалоқ пок неъмат. Ҳаётда ҳали ҳеч бир нопокликка қўл уришга улгурмаган! Аммо у бир гуноҳнинг меваси бўлса-чи? Беайб айбдорга айланса-чи? Бундан оғири йўқ.

Асар қаҳрамони — 15 ёшли Марям волидаси юраги остидалигидаёқ валади зино деб аталди. Унга ачинасиз, қалбингиз ўртайди. Марямнинг оила қургунга қадар бахтсиз яшагани етмаганидек, турмушга чиққач, фарзанд кўролмади. Йиллар ўтган сайин ўзидан бир неча ёш катта бўлган турмуш ўртоғи ҳам Марямга нисбатан бефарқ бўлиб қолади. Кундошлик азоби бошига тушади. Бироқ кун келиб, у кундоши Лайлонинг хотиржам ҳаёти учун ўз умрини қурбон қилишдан ҳам тоймайди.

Лайло ва Тариқ муҳаббати асарда сезиларли ўрин эгаллаган. Болаликдан бирга улғайган бу икки ёш бир-биридан сира айрилмайди. Лайлонинг онаси икки ўғлига аза тутиб, бир неча йил тўшакдан турмаган, қизининг тарбияси билан шуғулланмаган. Отасидан сўнг айнан Тариқ унга ғамхўрлик қилади.

Ғалаёнлар бу икки ўсмирни ҳам четлаб ўтмади. Кун келиб, уларнинг оила қуришида Марям кўмак беради. Ўзи дордан қутулиб қолиши мумкин бўлган чоғда омонликни Тариқ ва Лайлога раво кўради.

Асарни ўқиётиб қаҳрамонлар ҳаётини идрок этиш баробарида яшашга иштиёқ, илмга чанқоқлик, Ватанга садоқат туйғуларининг ҳам соф ва ҳаётий манзараларига гувоҳ бўлишингиз мумкин.

BADIA

ВАТАН ТИНЧ – КЎНГИЛ ХОТИРЖАМ

Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ

Болаликда Чори акага рўпара келишдан қўрқардим. У киши менга сира ёмонлик қилмаган. Аммо барибир ўткир нигоҳидан чўчирдим.

Чори ака биров билан очилиб суҳбатлашмасди ҳам. Мактабимиз буфетида сотувчи бўлиб ишлаганида иягини ориқ, қотма қўлига суяб аллақаерга термилиб ўтирарди. Борабора мадорсизланиб, аввал мактаб буфетини, кўп ўтмай бу ёруғ оламни тарк этди. Шундан сўнг билдимки, Чори ака афғон урушидан тузалмас дард орттириб келган экан. Кўзидаги мунг, мени қўрқитган ўша ўткир нигоҳ аслида уруш даҳшати экан. У ҳарбий хизматга оддий аскар бўлиб кетгану урушнинг биз тасаввур ҳам қила олмайдиган даҳшати ичра жангчи бўлиб қайтганди.

***

Боботоғ этагида паст-баланд адирлар ястаниб ётибди. Эрта баҳорнинг салқин ва ёмғирли кунларини ҳисобга олмаса, бошқа вақтда у ерда одам яшашини тасаввур қилиб бўлмайди. Қиши совуқ, ёзи эса, чидаб бўлмас даражада иссиқ. Унда-бунда қазилган қудуқдан шўр сув чиқади. Бирорта булоқ, ҳатто ирмоқ топмайсиз. Ана шундай шароитда чўпонлар яшайди. Уларга яхшироқ жойга кўчиб кетиш ҳақида гапирсангиз: "Бу ерлар туғилиб-ўсган маконимиз, ўрганиб кетганмиз!" — дейди. Эҳтимол, улар Ватан ҳақида чиройли сўз айтолмас, лекин юртга бўлган муҳаббати юз-кўзидан намоён.

Чўпонлар яшайдиган овулнинг ёнида ҳарбий бўлинма бор. Сал нарироқда эса, назорат пости. Ҳамроҳим билан назорат постида тўхтадик. Машинадан тушиб ҳужжатларни бердик. Йигирма ёшлар атрофидаги аскар аввал ҳужжатларни, сўнг машинани кўздан кечирди. Бу орада унинг исми, асли қаердан эканини сўрадим. Акромжон Фарғона водийсидан келганини билгач: "Водий бу ердан анча салқин. Чўлнинг иссиғига ўрганмагансиз. Ана, соя бор экан, ўша ерда турсангиз бўлмайдими?" — дедим пост биносини кўрсатиб. У жилмайди. Сўнг бўзтўрғай куйидан бошқа сас эшитилмайдиган бепоён даштни бир қур кўздан кечириб: "Иссиққа ўрганиб кетдик. Бурчим — чегарада ҳушёр туриш. Хизматдан сўнг бемалол сояда дам олаверамиз", — деди қатъият билан. Шунда у йигитлик бурчини чин кўнгилдан, фахр ила ўтаётганини ҳис этдим. Дарҳақиқат, Акромжоннинг кўкси қишлоқдошим Чори акадан фарқли ўлароқ, юксак туйғуларга лиммо-лим.

Чори ака оламдан ўтгач, унинг қарашини ёдга соладиган бирор нигоҳга дуч келмадим (бундан кейин ҳам дуч келмай!). Аммо ҳар куни, ҳамма жойда Акромжон каби кўкси ғурурга тўлган йигитларга юзлашаман. Уларнинг кўзларида: "Биздек мард ўғлонлари бор экан, Ватан тинч, кўнгил хотиржам бўлади!" деган маънони уқаман.

"Навоийни англаш" викторинаси

Парим бўлса учуб қочсам улусдин то қанотим бор,
Қанотим қуйса учмоқдин, югурсам то ҳаётим бор.

Навоийнинг "Парим бўлса учуб қочсам" ғазалида келтирилган ушбу байтни шарҳланг.

Жавоблар 19 январгача қабул қилинади.

yoshlarovozi@mail.uz

@yoshlar_ovoziuz

4-сонда эълон қилинган викторина саволининг жавоби қуйидагича:

Алишер Навоий ғазаллари гўзаллик боғининг сўлмас чечакларидир. Уларда ишқ бор, дард бор, фараҳ бор... Беором, оташин қалбнинг буюк талпинишлари, юксак олижаноб руҳнинг бетакрор суратлари, манзаралари... Маъно ва тафаккур, ҳаёл ва тасаввурнинг авж пардалари, учқур парвозлари, сўнгсиз жилвалари, демакдир... Уларни баҳолаш, талқин этиш учун биз, фақирларга Навоий етуклиги даражасига кўтарилишга йўл бўлсин. Аммо Ҳазратнинг маънавий дунёсига яқинлашиш, унинг камолига эргашиш шарт. Шу маънода Навоий ижоди буюк бир кўзгудирким, ҳар кимса унда кўзи илғаганини кўрар, у бир хазинадирким, ҳар киши унга қўл чўзиб, ундан қурби етганича олар...

Киши ҳали ёш (сабза) экан, олтин (асл) жомда лаългун май — ҳақиқий ишқ ва эътиқод шаробини ичса, на хуш. Қизиллик, сариғлик, яшиллик бирикувининг бундан ҳам яхшироқ имкони бўлурми? Бу шаробни ичганлар эса, фақирлик йўлини танлаганлар. Зеро, фақирлик — ишқ аҳлининг шарафи. Фақирликда бефарқ яшаш — олам ҳақиқатидан йироқ тушиш мушкул, аксинча, дарвешлар тўнига қизил, сариғ, яшил ямоқлар тушиши табиий, яъни дарвешлик тўнини кийиб, оламнинг ранг-баранг ҳақиқатини идрок этиш ўнғай...

Шарҳловчи: Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол.

Ғазалнинг тўлиқ шарҳини **www.yoshlarovozi.uz сайти**да ўқинг.

ASLIYATDAN TARJIMA

Урду тилидан **Мунаввара ФОЗИЛИЯ** *таржимаси.*

УЧ БАЛИҚ

("Панчатантра"*дан парча)



Кўлда учта балиқ яшар эди. Улар турли кўринишда бўлишига қарамай, бир-бирларига қадрдон дўст эди. Биринчи — мовийранг балиқ ниҳоятда донишманд бўлиб, олдиндан ҳис қила олиш қобилиятига эга экан. Иккинчи — қизил туслиси ҳар доим хушчақчақ юрар ва шунчалик ҳушёр эдики, исталган масалада гапнинг моҳиятини англаб оларди. Бошига қийинчилик тушганда ҳам чорасини топарди. Учинчи — жигарранг балиқ жуда жиддий бўлиб, анъанавийликни ёқтирарди. Бирон кор-ҳол юз беришини олдиндан кўра билса-да, сира ташвишланмасди.

Бир куни ҳаворанг балиқ балиқчиларнинг суҳбатини эшитиб қолди.

— Анави ҳаворанг балиқнинг зўрлигини қара! Бу кўл катта балиқларга тўла экан. Эртага шу ерга ов қилгани келамиз, — дебди улардан бири.

Ҳаворанг балиқ ҳовлиқиб дўстларининг ёнига сузиб борибди-да, уларга эшитганларини айтиб берибди.

— Биз ақл билан иш тутиб, бугуноқ кўлни тарк этишимиз керак, — деди у.

— Балиқчилар келаверсин. Мен улардан қутулишнинг бирон чорасини топаман, — дебди қизил балиқ хотиржамлик билан.

Жигарранг балиқ эса:

— Нима, мен бир умр яшаган кўлимни шу учунгина ташлаб кетаманми?! Нима бўлса-бўлсин, пешонамиздагини кўрамиз, — дея қатъий жавоб берибди.

Ҳаворанг балиқ балиқчилар келмасидан аввал маконини тарк этишини айтиб, бошқа кўл томон сузиб кетибди. Эрта тонгдан балиқчилар кўлга келиб тўр ташлабди. Қизил ва жигарранг балиқлар бошқа балиқлар билан тўрга илиниб қолибди. Шунда қизил балиқ хатарни пайқаб, ўзини ўлганга солибди. Балиқчи уни ўлдига чиқариб, ерга ирғитиб юборибди. Қизил балиқ аста-секинлик билан судраласудрала қирғоққа етиб келиб, ўзини кўлга отибди. Шу тариқа у ўз ҳаётини сақлаб қолибди.

Жигарранг балиқ эса, бор ҳаракатини ишга солмагани боис, тўрдан қутулиб чиқолмабди. Балиқчи бир уринишдаёқ уни маҳкам ушлаб олибди.

Хулоса шуки, душман хавф солганда, дўстларинг гапига қулоқ солишинг ёки ўзинг оқилона йўл излаб топишинг керак.

***Санскрит ёзма адабиёти ёдгорлиги.**

ANA XOLOS!

РЕКОРД ЯНГИЛАНДИ

Денов туманида Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ўтказилган акция доирасида 8 тонна ош дамланди.

46 нафар ошпазнинг маҳоратини кўриш мақсадида ярим тунда марказий ўйингоҳда минглаб одамлар тўпланди. Нақ ўн соат давомида пиширилган палов байрам куни меҳмонларга бепул тарқатилди. Уни тайёрлаш учун дошқозонга 2,2 тонна гуруч, 2 тонна гўшт, 250 килограмдан пиёз ҳамда нўхат, 200 килограмдан пахта, зиғир, ўсимлик ва думба ёғлари, 10 килограмм зиравор ишлатилган.

— Бугунги ажойиб акцияда устозлар баробарида мен ҳам иштирок этганимдан ғурурланаман, — дейди ёш ошпаз Абдували Давлатов. — Ҳамкасблар билан келгусида мазкур тажрибани давом эттирган ҳолда катта қозонда ош дамлашга келишиб олдик.

Тадбир давомида хушовоз хонанда ва созандалар ижросидаги куй-қўшиқлар байрамга янада файз киритди.

YOSHLIK ILHOMI

ТЎЙ

Азиза АЛЛАЁРОВА,
Республика ёш ижодкорлар кенгаши аъзоси

АЁЛ:

— Саволларимга қаердан жавоб топай? Ўзимга қандай таскин берай? Айбим нима? Фарзандларимни оқ ювиб, оқ тарадим. Турмуш ўртоғимга бор меҳру муҳаббатимни бағишладим. Бироқ нега у мени ташлаб кетди? Ҳаётимни пароканда қилиб, тубсиз жарликка улоқтирди. Сабабини тополмай, куйиб кетяпман.

САДО:

— Кўкси оловланган аёл! Сен ўзинг кўрмаган меҳрни фарзандингга ва жуфти ҳалолингга бердинг. Бироқ қора қозон тагида сочинг оқарганини ўзинг билмадинг. Айбинг— кўзгуга қарашни унутдинг ва унинг қалб ойнасига боқмадинг.



Муҳаммад СИДДИҚ

Обирахмат майдалаб севалади...
Меҳрибонлик уйининг дарпардалари шўх шаббода таъсирида рақсга тушяпти.

Исмат кундалик ёзишдан чалғиди. Намиққан дастрўмолини яна кўкрак чўнтагига солиб, дераза ойналарини чертаётган ёмғирга бағрини очди. Шамни "пуф"лаб ўчирди-да, очиқ қолган ён дафтарига кўз югуртирди.

"Бугун Адҳам аканинг тўйи. Айни паллада давра қизиган. Мен Алишер билан паловхонтўрани пақ-қос тушираётиб, бир косасини олдим-да, кечадан бери чўғи сўнган сандалнинг биқинида ўсал ётган онамнинг олдига югурдим. Ҳамон ухлаяпти. Музлаб, тарашадек қотиб қолган қўлларига бир мартагина тишлаган нонимни ушлатдим. Қайноқ ошнинг бир чимдимини кўкарган лаблари орасига қистирдим:

— Яна ейсизми? Жуда ширин! Шуни есангиз, тезда оёққа туриб кетасиз, — дедим ўзимни овутиб. Энди ҳеч қачон овқат ея олмаслигини билиб турсам-да, ишонгим келмади".

Исмат отасини эслолмасди. Ҳовлида онаси билан ёлғиз яшарди. Қариндош-уруғи йўқ. Бори ҳам борди-келди қилмайди. Алишер Исматнинг энг яқин дўсти. Унинг ҳам дадаси йўқ. Адҳам — Алишернинг биттаю битта акаси. Бу тўйни орзиқиб, кун санаб кутди. Улар Исматларга деворнимён қўшни.

"Рўмол билан жағини боғлаб қўйдим. Ҳалигача ҳеч кимга айтганим йўқ, Алишерга ҳам. Бизникида мотам бўлиб турса, тўй татийдими?! Балки, онам уйғониб қолар?

Тағин онам билан бироз "суҳбат"лашиб, тўйга чиқдим. "Ҳўв ана, менинг Нилуфар келинойим" , — деб Алишер менга гул янглиғ фариштани кўрсатди. Кўз узолмай қолдим. Дўстимга ҳавасим келди... Фалакнинг "чироғи" ўчди. Тўй кўнгилдагидек ўтди...

Онамнинг ёнига кириб чордана қурдим. "Ухлаяпсизми? Ухлаяпсиз-а?! Ухлаяпман денг!". Туни билан шу кўйи саволларни бериб, қўлларига қандай қилиб бош қўйиб кўзим илинганини сезмабман.

Азонлаб янги келинчак онамнинг бетоблигини эшитиб, бизникига чиқди. Қўлидаги овқатни айвоннинг токчасига қўйиб, аввал менга эгилиб салом берди, кейин юзимни чўзғилаб рўмолча узатди. Онамнинг ёнига киришга чоғланди, кирди ҳам. Мен тўхтатиб қололмадим.

Хонанинг ҳавоси бузилган. Ранги ўчган онамни кўрган келин нима бўлганини англади. Қўрқиб кетди. Ҳаммасини гапириб бердим. У йиғлаб, югуриб чиқиб кетди. Бироздан сўнг Адҳам ака, Алишер, маҳалладагилар келди...

Пешинга яқин онамни сўнгги манзилга кузатдик...".

ОРЗУ

Шохрух НЕЪМАТОВ,
Республика ёш ижодкорлар кенгаши аъзоси

Уйғонди. Кўзларини ишқаб, эснар чоғи нимадир эсига тушди-ю, юраги тез ура бошлади. Уйқуси қочди.

Дағал қўллар майинлик билан силлиқ "тана" устида сирғалди. Ундан кўзларини узолмасди. Вужудини қандайдир таниш ҳаяжон чулғади. Бу гўзаллик учун қанчадан-қанча тунлар бедор ўтган. Емади, ичмади, киймади, талпинди у томон. Унга етмоқлик учун қилган барча ҳаракатлари ахийри ўз мевасини берди. Кечагина жамлаган пулларини олиб, автосалондан, мана шу машинани олиб келди. "Темир тойчоқ" қуёш нурида ялтиллаб, янада жозибали кўринарди.

ЭРТАК

Шохрух НУРАЛИЕВ,
Республика ёш ижодкорлар кенгаши аъзоси

У болалигида ҳам эртакларга ишонмасди. Мўъжиза ҳақида гапирсалар, ичаклари узилгудек куларди.

Кечаси қаттиқ шамол турди. Ёзнинг қоқ ўртасида ёмғир қуйиб, момақалдироқ қўлига чақмоқдан қилич тутди. У лолу ҳайрон эди.

Ўша кеча қўшнилари осойишта ухлади. Туни билан юлдуз санаб чиққанлари ҳам бўлди. Лекин уни қайтиб ҳеч ким кўрмади.

У эртаклар оламига тушиб қолганди.

PSIXOLOG MASLAHATI

— Холамнинг ёлғиз ўғли 7-синфда ўқийди. Отаси катта корхонанинг раҳбари. Онаси оилада бош. Холам фарзанди ҳамма жабҳада етакчи бўлишини хоҳлайди, боладан нуқул шуни талаб қилгани-қилган. Балки, ўғли буни хоҳламас ёки лаёқати йўқдир. Қандай маслаҳат берасиз?

Саида ЖЎРАЕВА
Нурафшон шаҳри

Саволга амалиётчи психолог Ширинои МУСТАФОЕВА жавоб беради:

— Тўғри, ҳаётда етакчи бўлишга қурби етмайдиганлар ҳам учрайди. Буни темпераментга қараб аниқлаш мумкин. Масалан, флегматикдан лидерликни талаб қилиш бефойда. Бундай одамлар табиатан жуда эринчоқдир. Боз устига, бир гап бўлар, дейдиганлар туридан.

Холерик ва сангвиниклардан кўнглингиз тўқ бўлаверсин — улардан зўр етакчи чиқади. Меланхолик билан эса, обдон ишлаб, ўрнида туртки бериб турсангиз натижа олиш мумкин.

Кўп нарса ота-она ва атрофдагиларнинг таъсирига боғлиқ. Зурриёдингиз ўзингиз хоҳлагандек инсон бўлишини истаяпсизми, унда тер тўкишга тайёр туринг. Яқинларининг кўмак ва далдасисиз бола чўққини забт этиши қийин. Ўғил ё қизингиз, аввало, жамоада ишлашни ўргансин. Йўл-йўриқ кўрсатиш, керак пайтда руҳлантириб туриш, мағлубиятларни тан олишга кўниктириш эса, сиздан.

Жамоада ишонч, обрў-эътибор қозона олган инсонга бошқалар, албатта, эргашади. Майли, у расман тайинланган етакчи, масалан, синфбоши ёки ташкилот раҳбари бўлмасин, лекин ростмана етакчи деган эътирофнинг ўзи кўнгил хотиржамлиги учун кифоя.

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

ISSN 2010-6998

БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Камолиддин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Маламин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова – *бош муҳаррир ўринбосари* ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — *бош муҳаррир ўринбосари* ("Молодежь Узбекистана"); Санжар Исматов – *масъул котиб* ("Yoshlar ovozi"); Елена Калинина – *масъул котиб* ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар
Рўзиев Зафар Ҳусанович
Абдуллаев Хуршид Ўктамжонович

Навбатчи
Нозима Мияссарова

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нархда.

Буюртма Г-136.
Адади — 24352

Босмага топшириш вақти — 21.00
Топширилди —21.50
Ўзл якуни — 21.30

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5